

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

ФАКУЛЬТЕТ ТЕРАПИЯ КАФЕДРАСИ

СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ

**ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ 4 КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ФАКУЛЬТЕТ
ТЕРАПИЯ ФАНИДАН МАЪРУЗА**

УРГАНЧ- 2006

Маруза матни факультет терапия фанидан Тошкент Тиббиёт Академияси
Урганч филиали марказий услубий хайъати томонидан муҳокама килиниб
(баённома №____) ва филиал илмий Кенгаши томонидан тасдикланди
(баённома №____)

МУХ раиси,
Профессор

Нуралиев Н.А.

Маърузанинг максоди: Клиник таҳлил килиш йули билан талабаларга касалликни
этиологияси, патогенези, таснифини тушунтириш, тугри диагноз куйиш, тафовутли

диагнозни жигарни бошка касалликлари билан утказиш ва сурункали гепатитни тугри уз вактида даволашни ургатиш лозим.

ТАРБИЯВИЙ МАКСАДИ. Талабаларга беморларни санитар таълимотини ошириш кераклигини тушунтириш керак, чунки сурункали гепатит асосан уткир гепатитни уз пайтида ва тугри даволашдан келиб чиқади. Шунингдек спиртли ичимликлар истеъмол килиш хавфли эканлигини ҳам тушунтириш керак.

МАЪРУЗАНИНГ МАКСАДЛАРИ. Маъруза давомида касалликни 4 та шакли борлигини, уларнинг клиникаси, кушимча текширув усуллари ва даволашни хар хил булишини тушунтириш керак.

Асосий масалалардан бири, беморларни доимо диспансер назоратида булиш ва уларни режали согломлаштириш зарурлигини айтиб утиш зарур.

МАВЗУНИ АСОСЛАШ. Мамлакатимиз иссиқ иклим шароитида овкат хазм килиш аъзолари жумладан сурункали гепатит куп учрайди. Шунинг учун бу касалликни хар томонлама чуқур урганиш ва тугри даволашни урганиш лозим.

МАЪРУЗА РЕЖАСИ:

Маърузанинг максади ва вазифаси	- 5 мин
Этиология ва патогенезини ёритиш:	- 15 мин
Классификация ва клиника	- 25 мин
Танаффус	- 5 мин
Беморни курсатиш	- 10 мин
Лабаратор ва инструментал диагностика	- 10 мин
Таккосий диагностика	- 5 мин
Даволаш ва профилактика	- 15 мин
Хулоса. Саволларга жавоб	- 5 мин

СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ

Бу касаллик жигарни яллигланиши билан белгиланиб, унинг ишини бузилиши билан, тукима ва хужайраларни бараварига шикастланиши билан, дистрофик зарарланиши билан, париетал йулининг гистиолимфоцитлар хужайралар билан копланиши ҳамда бу ерда оз микдорда кушимча хужайралар пайдо булиши билан белгиланади.

КЕЛИБ ЧИКИШ САБАБЛАРИ. Сурункали гепатит ривожланишида асосий сабаб олдинрок сарик касали (Боткин касали) билан огриган булишдир, асникса бу юкумли касалликнинг огир формаси булса. Бундан ташкари спиртли ичимликларни узок вакт куп микдорда истеъмол килиш, хар хил зарарли моддалар таъсири натижасида ҳам ушбу касаллик келиб чикади. Ошкозон, ичак, ут пуфаги ва ошкозон ости безининг сурункали касалликлари ҳам сабаб булиши мумкин.

РИВОЖЛАНИШИ. Касалликнинг ривожланишида организм химоя кучини камайиши, вирусларнинг кон оркали жигарга келиб, унинг ишининг бузилиши давом этиши, утнинг йигилиб колиши асосий ахамиятга эгадир. Юкоридаги сабабларга кура жигарда кон йигилиб, жигар хужайраларнинг бузилишига олиб келади. Булардан ташкари гуморал, иммун ва аутоиммун ходисаларнинг ахамияти ҳам каттадир.

КЛИНИК КУРИНИШИ. Хозирги пайтда сурункали гепатитнинг уч тури мавжуддир: 1) персистик, 2) актив, 3) холестаитик.

Касалликнинг персистик тури анча енгил хисобланиб, беморлар унг ковурга остида кучсиз огрик булишидан, дармонсизланишдан, иш кобилияти пасайишидан шикоят килишади. Текширилганда жигарнинг хамма чегаралари пастга 3-4 смгача силжигани аникланиб, пайпасланганда озгина огрик булади ва каттиклашади. Лабораторияда конни текширилганда оксилнинг умумий микдори купайиб, альбуминнинг камайганлиги ва гамма-глобулиннинг купайганлиги аникланади. Бошка анализлар деярли узгармайди.

Сурункали актив гепатит хасталикнинг огир тури булиб, беморлар кориннинг унг томони огришидан, харорати кутарилишидан, кунгил айниб, сафро кусишдан, огиз куришдан, кувватсизликдан, иштаха йуколишидан шикоят киладилар. Коринни пайпаслаганда жигарни огриги кучайиб, пастга 5-6 см.га силжигани, каттикланиши, пастки кисм думалоклашганлиги аникланади. Куз бир оз саргайиб, коринда вена кон томирларини кенгайиши, баданнинг айрим жойларидан «юлдузчалар» пайдо булиши ахамиятга эгадир. Конда билирубин, ферментлар микдори купайиб, оксил камайгани билинади. Радиологик усуллар билан текширилганда, жигарни ишлаш кобилияти пасайиб, томонга кенгайганлиги аникланади. Сурункали актив гепатит кейинчалик циррозга айланади, вахоланки, персистик турини уз вактида, тугри даволанса бутунлай тузалиши мумкин. Сурункали холестатик гепатит ут пуффаги яллигланиши, жигар ут йулларида ва ут пуфагида тош булиши натижасида келиб чикади. Унда огрик билан бирга бадан саргайиши, кичишиши ва хароратни кутарилиши булади. Жигар 4-5 см.гача пастга тушади, каттиклашади. Конда билирубин купайиб, сийдикда уробилин пайдо булади. Бу касаллик кейинчалик билиар циррозга айланади.

Сурункали гепатитни аввало учала турини бир-биридан ажрата билиш зарур. Ундан кейин уларни жигар церрозидан, сурункали холециститдан ва жигар ракидан фарклаш зарур.

ДАВОЛАШ. Касалликни даволашда 1-чи навбатда пархезга ахамият бериш зарур. Бундан ёгли, ковурилган, аччик, шур, нордон нарсалар таъкикланади. Беморлар сут, катик, ёгсиз каймок, ширин хул мевалар, сувда пиширилган гушт, мастава, кайнатма шурва, шовла кабиларни истеъмол килишлари лозим. Касаллик билан огриган беморлар купрок уринда ётиб, кам харакат килиши лозим.

Дорилардан аввало огрикни колдирадиган но-шпа, папаверин кабилар, жигар ишини яхшилайдиган эссенциал, карсил, витагепат, глюкоза, хар хил витаминлар

берилади. Беморлар ахволи энгиллашгач, физиотерапевтик усуллар кулланилади. Касалхонадан чикгач уларга энгил ишлар билан шугулланиш маслахат килинади.

АМАЛИЁТДАН МИСОЛЛАР.

Маъруза пайтида 2та бемор курсатилади. Бири уткир гепатит, иккинчиси сурункали алкоголь ичиш натижасида сурункали гепатитга дучор булган беморларни тахлил килаётганда хаёт тажрибасига асосланиб, шунга ухшаш беморлар тугрисида айтиб утилади. Бунда этиологияси хар хил беморларда касаллик турлича кечади. Шунини эслаган холда кушимча текшириш усуллари тулик утказиб, фаркли диагноз утказган холда даволаш тугрисида тулик ахборот бериши керак.

1 масала. 33 ёшли бемор бир неча кундан бери бетоп тана харорати 38 градусгача кутарилган, унги ковулга остида ва кул майда бугимларида огрик пайдо булган. Бемор антибиотик ва сульфаниламидлар билан даволанган лекин Самара булмаган. Анамнезида бир йил олди вирусли гепатит. Курикда склералар сариклиги, кам микдорда «юлдузчалар». Пальпацияда жигарнинг катталиги 3-4 см.га ва талок катталиги 1-2 см.га

2 масала. Бемор Х., 44 ёшда, 10 йил давомида спиртли ичимликлар суистемол килиб келган. Бир йилдан бери унги ковулга остида огрик, кунгил айнаш, огиз аччик булиши, холсизлик безовта килади. Курикда жигарнинг катталашгани аникланди. Амбулатор шароитда даволанган ахволи бир оз яхшиланган. Кейиналик шифокор тавсия килган пархезга ва режим риоя килмаган. Юкоридаги шикоятлар билан бемор гастроэнтерология булимига ётказилган. Тили ок караш билан копланган, курукрок. Корни юмшок, пальпацияда огрик унги ковулга буйлаб, жигар + 2-3 см, уртаа каттикликда, талок пайпасланмайди. Кон биохимик текширувида ферментлар микдори ошмаган. Умумий билирубин 23 мкмоль/л.

НАМОЙИШ КИЛИНАДИГАН НАРСАЛАР. Маъруза пайтида касаллик этиологияси, патогенези, таснифи, клиник ва даволашга тегишли таблицалар ва слайдлар курсатилади. Жигар пункция килинадиган ниналарини тузилишини, ишлатиш жараёнларини тушунтирилади.

ХУЛОСА. Маъруза охирида утилган мавзу буйича киска хулоса килиниб, сурункали гепатит турларини, клиникаси, кушимча текшириш усуллари, фаркли диагноз утказиш ва даволаш усуллари тугрисида маълумот берилади.

АУДИТОРИЯГА САВОЛЛАР. Маърузада касалликни тушунтириш пайтида талабаларни тулик тушуниши учун хар хил саволлар бериб, биргаликда жавоб топиш ва кушимча маълумотлар бериб мавзунини мустахкамлаш зарур.

АДАБИЁТЛАР:

1. Внутренние болезни. Маколкин В.И., Овчаленко С.И., Москва, Мед-на, 1994
2. Ички касалликлар, Камолов И.Н., Куйлиев М.У., Тошкент, 1994
3. Ички касалликлар, Шарапов У.Б., Гаффарова Ф.И., Шодмонов У.И., Тошкент, 1994.
4. Внутренние болезни. Камаров Ф.И., Сметиев А.С., Москва, 1996
5. Справочник врача общей практики. Дж.Мерт, Нью-Йорк, 1996
6. Терапия. Аллен Р.Мейерс, М.Д. Москва, 1997